



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 - yil 21 - oktabr

95-7-0-Q/21

Samarqand viloyat hokimligi

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ қирқ олтинчи сессиясини чақириш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ қирқ олтинчи сессияси 2021 йил 29 октябрь куни соат 10:00 да чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

вилоятда халқаро молия ташкилотлари иштирокида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги “Давлат қарзи ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг натижадорлигини таъминлаш тўғрисида”ги ПҚ-4883-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан:

вилоят ҳокимининг ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи О.Ходжаевнинг вилоятда халқаро молия ташкилотлари, жумладан, Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) иштирокида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг бугунги кундаги ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи;

“Maroqand Obod” ДУК ҳузурида ташкил этилган Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбари Н.Саидовнинг Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) иштирокидаги “Самарқанд шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришни

модернизациялаш” лойихаси доирасида жалб қилинган маблағлардан самарали фойдаланиш ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи;

“Maroqand Obod” ва “Тоза ҳудуд” ДУК раҳбарлари Ш.Насимов ва З.Юсуповларнинг Самарқанд шаҳар ва Самарқанд туманларида маиший чиқиндиларни йиғиш билан боғлиқ ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи;

Самарқанд шаҳар ва Самарқанд тумани ободонлаштириш бошқармалари раҳбарлари О.Абдуллаев ҳамда Ж.Саидовларнинг ҳудудларда ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ ишларнинг бугунги кундаги аҳволи тўғрисидаги ҳисоботи;

Самарқанд шаҳар ва Самарқанд тумани ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари - иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиқлари А.Эгамов ҳамда Ф.Ғаниевларнинг жисмоний ва юридик шахслардан маиший чиқиндиларни йиғиш бўйича дебитор қарздорликларни қисқартириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи.

бошқа масалалар.

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов